

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 42 (14,145) 19 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtfo.uz



vtfo_uz@mail.ru



[@Toshkent_oqshomi](https://www.instagram.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent oqshomi](https://www.facebook.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent Oqshomi_24](https://www.t.me/Toshkent_Oqshomi_24)



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯШИЛ
МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ, НУРОНИЙЛАР, ЗИЁЛИЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ ХАЛҚИМИЗГА МУРОЖААТИ

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Табиат – бу тириклик! Табиат – бу келажак! Табиат – бу масъулият! Азалдан халқимизда табиатни асраш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ўзига хос қадрият сифатида шаклланиб келган. Кўча-кўйларни озода тутиш, оқар сувларнинг йўлларини тозалаш, сувга тупурмаслик, ерни тепмаслик, ҳовлиларга гулу райхонлар экиш, ёшлар кексаларга эргашиб, кўчатлар ўтказиш... Айнан бизнинг халқимизга хос хусусиятлардир. Замон ҳар қанча ривожланмасин, ҳар қанча имкониятлар кенгаймасин агар табиатни асролмасак, унинг яшиллигини сақлаб қололмасак кўзда тутилган тараққиётга эриша олмаймиз. Биздан фарзандларимизга қоладиган энг катта мерос ҳам аслида тоза табиат – яшил маконлардир!

Бугун дунё майдонида айнан экология борасида турли муаммолар бўй кўрсатган. Сув танқислиги, қурғоқчилик, жазирамада қовжираган табиат, сув тошқинлари, фаслларнинг меъёрий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар... Афсуски, бугун сувдан, тупроқдан нотўғри фойдаланиш, экологик жиҳатдан зарарли технологияларни қўллаш оқибатида сайёрамизда иқлим ўзгариб, биохилма-хиллик йўқолиб бормоқда. Ер юзидаги 8 миллиарддан ортиқ инсониятнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда. Агар биз бугун табиатга бўлган муносабатимизни ўзгартирмасак эртага фарзандларимиз бизнинг хатоларимиз қурбони бўлади. Она табиатни асрайлик, унинг яшил қиёфасига ҳар биримиз эккан ниҳолларимиз билан ҳиссамизни қўшайлик.

Президентимизнинг ташаббусларига хайрихоҳ бўлган ҳолда ҳаммамиз бирлашиб “Яшил макон – Яшил Ўзбекистон!” ғоясини қўллаб-қувватлайлик!

Зеро, яшидан боғ қолади... Биздан шундай боғлар қолсинки, авлодларимиз эзгу ишларимизни фахр билан давом эттирсин!

Тошкент – ўзига хос табиати билан ҳам гўзал. Бугун барпо этилаётган осмонўпар биноларга шубҳасиз яшиллик – дарахтлар кўрк беради.

Қадрли маҳалла фаоллари, кўчабоши ва уйбошилар!

Хабарингиз бор, Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда БМТ минбаридан инсоният ҳаётига таҳдид солаётган учта инқироз – иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланишини бартараф этишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 октябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масала бўйича бир қатор муҳим таклифлар билдириб, устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, 25 октябрдан 1 декабрга қадар юртимизда “кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинди.

Жумладан, 25 октябрдан 1 декабрга қадар юртимизда “кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинди! Ушбу эзгу лойиҳа давомида 85 миллион туп кўчатни экиб ўстириш, бунда ҳар бир маҳаллада “яшил ҳудудлар”, автомобиль ва темир йўллар, дарё-каналлар ёқаларида “яшил белбоғлар” ташкил этиш зарурлиги кўзда тутилган.

Эндиликда ҳар бир вазирлик, унинг Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман бўлимлари, шунингдек, ҳокимликларнинг “яшил боғи” барпо этилади.

Пойтахтимиздаги 585 та маҳаллада жами 417 мингга яқин кўчатлар ички йўллар, ариқ бўйлари ва бўш турган ер майдонларига экилади.

Бунда маҳалла “еттилиги”, нурунийлар, кўчабошилар, уй-жойларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар масъуллари кўчатларни ҳудуднинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, аҳоли билан маслаҳатлашган ҳолда танлаши ва экилишини ташкил этиши зарур бўлади.

Бир туп кўчат эксам, ҳа нима бўлар эди, деманг! Сиз эккан бир туп кўчатнинг энига яна кимдир ўз ниҳолини ўтказиши. Қарабсизки, сиз эккан дарахтлар чанг-тўзон кўтариллиши ва тупроқ емирилишининг олдини олади, иқлимни мўтадиллаштиради, шовқинни камайтиради, қуёшнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилади. Қаранг, савоб учун, яхшилик учун бизда қандай имкониятлар бор!

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келаяпмиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантирдик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу ҳам

ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини”дир!

Меҳрибон оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, лобар қизларимиз!

Аёл киши, бу оиланинг онаси, синглиси ҳамда бекаси бўлиш билан бирга хонадон файзи, азиз мураббийи ва гўзал тароватидир!

Шу сабабдан, хотин-қизларимиз томонидан “Оналар – яшил макон учун” ғояси асосида пойтахтимизнинг барча маҳаллаларида, “Оналар боғи” ташкил этилаётгани қувонарлидир.

Халқимизда “Яшидан боғ қолади” деган нақл бор. Бугун биз эккан ниҳоллар, келажакда қулоч етмас дарахтлар бўлиши шубҳасиз. Зеро, келажак авлодга биздан яхши амалларимиз ва сўлим боғлар қолса, умр деган манзилнинг моҳияти ҳам шунда.

Азиз аёллар! Хонадонларимиз, кўчаларимиз, маҳалламиз ҳудудларини тоза-озода сақлаш, турфа гуллар, райхонлар ифори уфуриб турган гулзорга айлантириш каби қадрият даражасидаги одатларимизни кундалик ҳаёт тарзимизга айлантирайлик: “бу ер – менинг шаҳрим, мен унинг ҳар бир қаричини гўзал кўришни истайман”, тарзидаги ватанпарварлик руҳини ёш авлодга сингдиришда етакчи кучларга айланайлик!

Албатта, бу лойиҳада пойтахтимизда истиқомат қилаётган барча хотин-қизларимиз, ҳар бир фуқаронинг иштирок этиши унинг инсоний бурчи бўлиши лозим.

Муҳтарам нурунийлар!

Барча туман маҳаллаларида бир ой давомида кўчат ярмаркалари ташкил этилади. Яна ўрмон хўжаликлари томонидан ҳар бир маҳаллага 200 туп кўчат бепул етказиб берилади. Шаҳар ҳокимлиги маҳаллаларга 300 минг туп кўчатни бепул тақдим этади. Энди бу кўчатларнинг парвариши шу Ватаннинг бир бўлаги бўлган маҳалла аҳолисининг табиатга бўлган меҳри, юрти олдидаги бурчига боғлиқ. “Ким эккан бўлса, ўша одам қарасин”, деган одамийликка хос бўлмаган қарашлардан воз кечамиз ва ҳаммамиз яшиллик сари дадил одимлаймиз!

Хонадонларимиз фариштаси бўлган нурунийларимиз ушбу эзгу ғояда бош-қошдир. Чунки кексалик – доноликдир! Сизларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатингиз, бош бўлган ишларингиз биз учун намуна! Агар юртимиздаги 312 мингдан ортиқ нурунийларнинг ҳар бири 1 тупдан кўчат экса, 312 мингдан зиёд янги дарахт пайдо бўлади. Ёки ҳар бир ёши улугларимиз ўз ёнига 10 нафар ёшларни жалб қилса, бу рақам 10 баробарга ошади. Бирдамликнинг файзи ҳам мана шундай эзгу ишларда янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Азиз ёшлар!

Ёшлик – завқ, ёшлик – шижоат, ёшлик – янги ғоялар манбаи! Ёшлик – куч, ёшлик – ғайрат, ёшлик – меҳнат!

Яшил маконлар Сизларнинг меҳрингизда янада гуркирайди! Қўлни-қўлга бериб, пойтахтимизнинг ободлиги, яшиллигига муносиб ҳисса қўшинг! Бугун қўлларингиз билан экилган ниҳоллар Сиз билан баробар улғаяди, фурсати келиб ўша экилган дарахтларнинг соясидан, меваларидан ўзингиз баҳраманд бўласиз. Эккан ниҳолларингиз катта дарахтларга айланиб одамларга хизмат қилаётганида фахрланасиз.

Бугун Сизда куч бор, шиддат-шижоат бор! Ёшликка хос ғайратингизни эзгу, савобли ишларга сафарбар қилинг!

Пойтахтимизнинг азиз фуқаролари!

Бугун ер юзида турли хил касалликларнинг кўпайиши, турли вирусларнинг тарқалиши ҳаммамизни таҳликага солмоқда. Ушбу муаммолар негизда ҳам табиатнинг инқирози бор! Биз болажон халқимиз. Энг яхшисини ҳамisha фарзандимизга илинамиз! Энди тасаввур қилинг, таҳлилларга кўра, 1 гектар майдондаги дарахтзор бир кеча-кундузда 180-215 килограмм кислород ишлаб чиқаради, бу миқдор эса ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлайди. Фарзандларимизга тоза ҳаво керак!

Халқимизга хос қадриятлардан чекинмайлик! Барчамиз бир нуқтада бирлашиб, табиатга меҳр берайлик, яшиллик сари дадил бораёйлик. Юртбошимизга хайрихоҳ бўлиб, авлодларимизга яшил маконларни мерос қолдирайлик.



ПОЙТАХТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ РАҚАМЛАРДА

Кейинги йилларда «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун кўриши керак» деган эзгу мақсад барча жабҳаларга татбиқ этилиб, кўп соҳаларда, жумладан, тиббиёт тизимида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришларга сабаб бўляпти.

Энг муҳими, бу масалада ҳам соҳага оид қонунлар, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги 4668-сонли ва 2021 йил 28 июль 5199-сонли қарори ижроси ҳамда «Тошкент тажрибаси» лойиҳасининг олиб борилиши юзасидан жорий йилда амалга оширилган ишлар ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳисобот сўрови юборилган эди. Ўтаётган ҳафтада Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида айтилган масала бўйича Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг ҳисоботи қайта эшитилди. Айтиш керакки, аввалги йиғилишда мазкур бошқарманинг ҳисоботи қониқарсиз, деб топилган, аниқланган камчиликлар юзасидан эса кескин эътироз, таклиф ва тавсиялар билдирилган эди.

Навбатдаги йиғилишда қайд этилишича, бугун Тошкент шаҳар ССББ тасарруфида 71 та оилавий, 1 та талабалар, 12 та марказий кўп тармоқли, 8 та болалар ва 2 та катталар стоматология поликлиникаси, 41 та шифохона, 13 та Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси бўлимлари, 3 та тиббиёт коллежи ҳамда 22 та бошқа тиббиёт муассасалари (диспансерлар, диагностика марказлари) иш олиб бораёпти. Бошқарма тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига 2023 йилнинг 9 ойи учун давлат бюджетидан 1,3 трлн. (2022 йилнинг 9 ойида 1 млрд.) ажратилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 128,7 фоизга кўпдир. Шунингдек, стационар тиббиёт муассасаларига озиқ-овқат маҳсулотлари хариди учун 37,2 млрд. сўм, дори-дармон воситалари учун 96,1 млрд. сўм ажратилган. Бу кўрсаткичлар ҳам ўтган йилга нисбатан 114,5 фоизга кўп маблағ ажратилганини кўрсатади. Шу ўринда ўтган даврда соғлиқни сақлаш соҳасида Ягона электрон тиббий карта, Электрон рецепт, Электрон поликлиника ва Электрон шифохона ахборот тизимлари жорий этилганини ҳамда тўлиқ автоматлашган рақамли тизимга ўтказиш учун тиббиёт муассасаларини юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига улаш учун 125 та бирламчи тиббиёт муассасаларининг локал тармоғи яратилганини таъкидлаш лозим. Қайд этилишича, Тошкент шаҳрида жами 1752 та хусусий тиббиёт муассасаси бўлиб, шулардан 1 547 таси амбулатор шароитда, 205 таси стационар шароитда фаолият юритмоқда. Лойиҳа режа-жадвалига асосан 2022 йилнинг 9 ойида 79 та янги хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилиб, 42 тасининг фаолияти кенгайтирилган. Чет эл инвесторлари иштирокида эса 11 та хусусий тиббиёт муассасаси иш бошлаган.

Ана шундай ижобий ўзгаришларга қарамай депутатлар бошқарма фаолиятида аниқланган камчиликларга ўз муносабатларини билдиришди. Хусусан, пойтахт тиббиёт тизимида минглаб ҳамширалар учун бўш иш ўринлари мавжуд бўлишига қарамай, уларни тўлдирish хануз пайсалга солиняпти. Шунингдек, депутатлар ҳар йили минглаб ёшлар тиббиёт коллежларини битираётгани ҳақидаги маълумотлар бир-бирига зид эканини таъкидлаб, бу масалага юзаки қараш оқибати деб баҳолашди. Айрим депутатлар эса «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси доирасида ишга муҳтож хотин-қиз ҳамшираларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш юзасидан тавсиялар ҳам берди.

Отабек ЖИЯНБОЕВ,
МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси

ВЬЕТНАМ НОТАРИУСЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА

Ўзбекистон Нотариал палатаси томонидан Вьетнам Нотариуслари миллий ассоциацияси делегацияси қабул қилинди.

Айтиш жоизки, Вьетнам нотариуслари миллий ассоциацияси вице-президенти Нгуен Три Хоа бошчилигидаги делегация 10-11 октябрь кунлари Халқаро нотариуслар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Нотариал палатаси ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияларда ҳам фаол иштирок этди.

Ўзбекистон Нотариал палатасида дўстона руҳда ўтказилган давра суҳбатида вьетнамлик нотариуслар Ўзбекистон нотариати тажрибаси ҳақида Нотариал палата раиси Дилшод Ашуровнинг сўзларини қизиқиб тинглашди. Вьетнам нотариати тажрибаси ҳақида маълумот берди. Учрашув давомида вьетнамлик нотариуслар Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идораларида бўлиб, ўзбек ҳамкасбларининг тажрибаси билан яқиндан танишади.

Меҳмонлар ҳақида қисқача маълумот:

Ҳозирги вақтда Вьетнамда 1202 та нотариал идорада 3628 нафар нотариус фаолият юритади. Худудларда 59 та нотариал бирлашмалар фаолият юритиб келмоқда. Вьетнам нотариати 2013 йилда ХНИга 84-чи аъзо сифатида қабул қилинган. 2019 йилнинг январиди Ханойда (Вьетнам) бўлиб ўтган нотариусларнинг 1-Миллий конгрессида Вьетнам нотариуслари ассоциацияси ташкил этилган. Мамлакат ўз нотариал тизимини ривожланиш борасида кўплаб қадамлар қўйди. Бу эса ҳуқуқий ҳужжатлар ва битимларнинг сифати ва тезкорлигини оширишга ижобий ҳисса қўшди. Бугунги кунда Вьетнам нотариати ҳам ўз тизимини рақамлаштириш борасида кескин ўзгаришлар қилишни мақсад қилиб олган ва ушбу йўналишда дунё нотариусларининг илғор тажрибаларини, хусусан, Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва ундан андоза олиш, шунингдек, соҳадаги янгиликларни ўзларида жорий этишни мақсад қилишган.

Зебо ҲАЙДАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси
Ахборот хизмати раҳбари

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ВАГОНЛАРИ ЯНГИЛАНЯПТИМИ?

Сўнги кунларда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган қизил рангдаги метро вагонлари сотиб олинаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида «Тошкент метрополитени» ДУК Матбуот хизмати раҳбари Тўйчи МИРЗАЕВ билан боғландик.

– Ҳаракат тартибларининг бешта вагон билан хизмат кўрсатиши ҳақидаги гап-сўзлар қанчалик ҳақиқатга яқин?

– Бугунги кунда метрополитен йўловчиларига янада қулайлик ва юқори сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида, 6 та ҳаракат таркиби 5 та вагондан ташкил топган ҳолда хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг сони шу йилнинг охирига қадар 13 тага етказилади. Бундан ташқари, 56 та ва замонавий метро вагонларини харид қилиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида, тасарруфдаги ҳаракат таркибларини янгиланишига

ҳамда йўналишларда поездлар оралиқ интервалини қисқартиришга эришилади.

– Россия Федерациясидан қизил рангдаги метро поездеи харид қилиниши ҳақидаги хабарлар ростми?

– Ижтимоий тармоқларда «Тошкент метрополитени Россиядан 10 донна замонавий метро поездини етказиб бериш бўйича шартнома имзолади» мазмунидаги хабар жойланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент метрополитени қуйидагиларни маълум қилади: Ушбу эълон қилинган мақоладаги маълумотлар эски бўлиб, кўрсатиб ўтилган 10 донна ҳаракат таркибли 2021 йилда босқичма-босқич равишда харид қилинган ва ҳозирги вақтда метро йўналишларида хизмат кўрсатмоқда. Шу ўринда ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бу каби чалғитувчи маълумотларни тарқатмасликларини сўраймиз.

ОИВ ВА ОИТСДАН САҚЛАНИНГ!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2023 йил 20 январдаги ПҚ-14-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш бўйича ёшлар фаоллигида олиб бориладиган тизимли тарғибот тадбирлари концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 84-сонли Қарорларининг тегишли бандларида кўрсатилган «Ёшлар саломатлигини асраш, худудларда ўсмирлар ўртасида доимий соғлом турмуш тарзини тарғиб

қилиш борасида «Саломатлик волонтерлари» фаолиятини ташкил этиш» бўйича Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассислари томонидан 2023 йил 17-18 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар бошқармасида иттифоқнинг 36 нафар аъзоси ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача ва халқ талими бошқармасига қарашли 65 нафар психолог жами 60 нафар «Саломатлик волонтерлари» иштирокида профилактик тадбир ўтказилди.

Ўтказилган тадбирнинг асосий мақсади аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида юқумли касалликлар, айнан ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олишга бағишланди.

БИЗ ҚОНУННИ БИЛАМИЗМИ?

Инсоният пайдо бўлгандан буён маълум бир қонунлар билан яшаб келмоқда. Улар инсон жамият ва давлат ҳаётини тартибга солувчи бир восита десак адашмаймиз.

Қонун ҳақида сўз юритар эканмиз, кўз ўнгимизда биринчи бўлиб ҳуқуқ ва юридик соҳа гавдаланади. Давлат томонидан чиқарилаётган қонунлар ҳақида ўйлаш бошлаймиз. Хўш, улар қанчалик ишляпти? Барча бирдек ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши учун нима қилиш керак? Бундан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганларга қандай чора кўрилади? Бу саволлар халқимиз ичида сийқаси чиққан, аммо ҳали ҳам ечим топилмаётгандек, назаримизда. Бир сўз билан айтганда “қоғозда бору амалда йўқ”. Тўғри, барча соҳада ҳам шу аҳвол, дея олмаймиз лекин, аста-секинлик билан илдиз отиб бораётганининг гувоҳимиз. Йўлда юришда, машина, электросамокатлардан фойдаланишда, ўқишда, ишда, оилада, хуллас барча соҳада ўзига яраша тартиб ва қонунлар мавжуд. Бироқ, кўпинча эътиборсизлигимизданми ёки ишимиз тушмаганиданми алданиб қоламиз. Бунга эса албатта ўзимиз айбдоримиз. Масалан мисол тариқасида ижара масаласига тўхталсак.

Тошкентда нуфузли олий таълим муассасалари талайгина. Уларга кириб ўқиш эса кўпчиликнинг орзуси, мақсади ҳисобланади. Шу сабаб ҳам кўплаб талабалар бу кўҳна шаҳарга ўқиш учун ташриф буюришади. Келишлари билан биринчи масала турар-жой масаласи.

– Сиз дуч келган вазият ҳақида гапириб берсангиз.

– Ижара масаласида қийналганим сабабли дадам менга уй олиб бердилар. Уй онамнинг номига олинди. Доимий рўйхатда онам ва мен турамыз. Ижарачи олганимиздан сўнг уларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш масаласига илк бор дуч келган эдик. Тўғриси, бу ҳақида маълумотга эга эмасдим. Қонунларнинг бирида эшик таққиллади. Қарасам, икки киши. Биттаси кўча кийимида, бири участкавойларнинг махсус кийимида. Бизга ўзини маҳалла нозириман, деб таништирди. Ваҳоланки, рухсатномасини сўраш эсимга ҳам келмабди. Уй кимники ва қанча ижарачи борлиги ҳақида сўради. Тўлиқ маълумот бердим. Хонадошларимни вақтинча рўйхатдан ўтказмаганлигимни, 5 кундан ошганлиги ва жарима тўлашимиз керак эканлиги ҳақида айтишди. Биз эса муддат беришларини сўрадик. Улар бизга қонунни пеш қилишди. Биз эса қизлар билан келишиб, 200 минг сўмни ўртада бўлиб тўладик.

Энг қизиғи, улар ҳеч қандай баённомасиз пулни қўлимиздан олишди. Кейинчалик, бу квитанция орқали амалга оширилиши ва бундан ташқари, қатор қонун-қоидалари бор эканини аниқладик. Бундай маълумот ва жарималар махсус базада бўлиши керак экан. Базадан ҳам чиқмади. Бундан сўнг ҳар бир нарсага эътибор бериб яхшилаб ўрганиш керак эканлигига амин бўлдик. Бундан ўз фойдаси учун фойдаланаётганларга эса инсоф беришини сўрадик, холос. Чунки, бировни алдаб, ундирилган пул ҳеч кимга буюрмайди, 100 баробар бўлиб чиқиб кетади. Тан олиш керак, бизда ҳам катта айб бор бунга фақат уларни айбдор қилолмайман. Бироқ бу ишлари билан давлатнинг қўлида ишлаётган бошқа ҳамкасбларига нисбатан бизда ишончсизлик ва сал бўлсада нафрат пайдо қилишди. Биз эса шу йўл билан кўпроқ пул топишар эканда деб ўйлаб қолдик.

Жамиятимизда мана шундай вазиятларга кўплаб мисоллар келтирса бўлади. Бироқ, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун оммавий ахборот воситалари ўрнини жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Қонунларни ишлаб чиқишда халқ фикрини билиш, аҳолининг қонунчиликдан бохабарлигини ошириш ишлари яхши йўлга қўйилгандагина халқнинг, жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошиши мумкин. Яна бир йўли ҳуқуқий таълимга алоҳида эътибор

Агар имкон бўлса ётоқхонада, бўлмаса ижарага уй олиб яшашади. Ҳозир биз осонгина келтирган жумламизни эса машаққати кўп аслида. Яъни танишингиз бўлса яхши, қариндошингиз бўлса яхши. Аммо ундай бўлмаса сал мушкулроқ. Маклерларсиз уй топиш ундан қийин. Улар эса ҳам сиздан ҳам уй эгасидан пул олишади, қолгани уларга мутлақо қизиқ эмас. Бундан ташқари, расмда кўрган уйингиз аслида ундай бўлмаслиги ҳам мумкин. “Уй эгаси қандай одам? Маҳалласи қандай?”, каби саволларга эса жавоб йўқ. Баъзи шароити яхши ота-оналар фарзандларига уй олиб беришади ва шу билан кўнгиллари хотиржам.

Тошкент шаҳрига вақтинча келувчи фуқаронинг шаҳарда бўлиш муддати 5 кундан ошмаса, рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди. Агар ушбу муддат 5 кундан ортқ бўлиши мўлжалланган бўлса, 5 кун ораллиғида вақтинча рўйхатдан ўтиш учун маҳаллий ички ишлар бўлимига ариза берилиши лозим. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларида вақтинчалик ва доимий рўйхатдан ўтиш ҳақида”ги 41-сон қарорида баён қилинган.

Хўш, ўтиш тартиби билан танишсак.

Тошкент шаҳрида вақтинчалик рўйхатдан ўтишнинг аънанавий усули:

Вақтинчалик рўйхатдан ўтиш учун Тошкент шаҳрининг муайян тумани Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ариза бериш лозим.

қаратишдир. Ҳуқуқий таълим – ҳуқуқий маданият, яъни инсоннинг ҳуқуқий саводини оширадиган барча ижобий ва қимматли томонларни ўзлаштиришнинг қўшимча таркибий қисмидир. Ахлоқий фазилатлар ва ҳуқуқий билимлар йиғиндиси юқори даражадаги ҳуқуқий маданият асосини ташкил этади. Давлат қонунчилик асосларини ўзлаштириш ҳуқуқ ва қонунларга ижобий муносабатда бўлишга имконият яратади, уларни бажариш заруратини юзага келтиради.

Зарур ҳужжатлар:

✓ ИИВ томонидан тасдиқланган шаклда ариза, паспорт;

✓ шартнома асосида ҳарбий соҳада хизмат қилувчи шахслар учун шахсни тасдиқловчи гувоҳнома ёки Қуролли кучлар офицерининг шахсни тасдиқловчи гувоҳномаси (казарма ёки кемаларда яшамайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

✓ 16 ёшга тўлмаганлар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35x45 мм ўлчамдаги 2 та расм;

✓ уй эгасининг яшаш жойи билан таъминлаши ҳақидаги аризаси (розилиги);

✓ уй ҳужжатларининг нусхаси;

✓ давлат божини тўлаганлик ҳақидаги квитанция (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорига мувофиқ). Давлат божи – минимал иш ҳақининг 2 фоизга тенг;

уй ёки унинг бир қисмининг ижараси ёки уйдан бепул фойдаланиш ҳақидаги нотариал тасдиқланган шартнома нусхаси.

Агар ариза берган фуқаро уй эгасининг яқин қариндоши бўлса, уй ёки унинг бир қисмининг ижараси ёки уйдан бепул фойдаланиш ҳақидаги нотариал тасдиқланган шартнома нусхаси талаб этилмайди.

Бундан ташқари, вақтинчалик турар-жойга онлайн рўйхатдан ўтиш тизими ҳам мавжуд.

Иши тушмаган инсон бу бўйича маълумотга эга бўлмаслиги аниқ. Худди шундай вазиятга фуқаро Б.М. ҳам дуч келади.

Шароф ИКРОМОВ:

"ДЕПУТАТ ТАШАББУСКОР ҒОЯЛАРГА БОЙ БЎЛИШИ КЕРАК"

Икромов Шароф Ренатович 1983 йил 23 сентябрда Тошкент шаҳрида, зиёлилар оиласида таваллуд топган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2004 й. Тошкент молия институтини бакалавр йўналиши, 2007 й. мазкур институтни магистр йўналишини тамомлаган. Иш фаолиятини 2004 йили «Капиталбанк» очик акциядорлик тижорат банки Чакана бизнес департаментининг "Кадишева ЧКХМ" бўлими мутахассиси сифатида бошлаган. Ҳозирда "Anor Bank" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раисининг маслаҳатчиси. Oilали, 4 нафар фарзанди бор.



– **Депутатлик фаолиятингизни қачон бошлагансиз?**

– Депутатлик фаолиятимни 2019 йилда бошлаганман. Шу йили Халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши депутатлигига "Миллий тикланиш" демократик партиясидан депутат бўлиб сайланганман.

– **Нима учун депутат бўлишга қарор қилгансиз?**

– Халқ дарди билан яшаш – улуғ фазилат. Менинг отам олийжаноб ва шу билан бирга ўта камтар инсон бўлган. "Яхшилик қил, яхшилик албатта қайтади, ўз ишига фидойи инсон кўп нарсага эришади", дердилар. Улар мени жамиятда ўз ўрнимга эга бўлишимни халққа нафи тегадиган инсон бўлиб етишимни жуда истардилар. Уларнинг ҳар бир ўғитларини бугунги кунда ўзимга олтин қоида қилиб олганман. Онамда ҳам шундай фазилат бор. "Доим халқ дарди билан яшаш керак", дейдилар. Балки шунга бўлса керак доим кимгадир имкон қадар ёрдам бергим келади. Депутатликка номзод кўрсатилганда аҳолини қийнаётган муаммоларини ижобий ҳал қилиб ёрдам бера олишим ва бу иш мен учунлигини тушуниб етганимдан кейин номзодимни депутатликка илгари сурганман. Бугун мен депутатман ва олдимда турган шарафли, шу билан бирга машаққатли вазифанинг улкан масъулиятини доим ҳис қиламан.

– **Сизнингча бугунги кун депутати қандай бўлиши керак?**

– Депутат – унга овоз берган сайловчиларнинг қонуний вакили ҳисобланади. Шу боис, энг аввало, халқ манфаати йўлида амалга ошираётган ишларида дуч келаётган ҳар қандай қийинчиликларга тайёр бўлиши, ташаббускор ва янги ғояларга бой бўлиши керак. Бу эса депутат ва аҳоли ўртасида алоқаларни янада мустақамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шунингдек, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, халқ билан давлат идораларини узвий боғлаш ва фуқароларда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ечимини топишда уларга ҳуқуқий ёрдам бериш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар билан алоҳида масъул ташкилотлар ҳамкорлигида уларни давлат ҳимоясига олинишига кўмак бериш, умумий

қилиб айтганда, депутат халқ билан давлат идоралари ўртасида кўприк вазифасини бажариши лозим.

Амалиёт шунини кўрсатадики, ташкилотчилик қобилияти, кўп йиллик иш тажрибаси, шунингдек, ҳаётий кўникмаларга эга депутат аҳоли дардини янада теранроқ тушуна олади, халқнинг ишончини оқлаш йўлида бор имкониятларини ишга солади. Мен энг аввало, сайловчиларимнинг дардига эътибор қаратаман, учрашувлар ўтказиб, уларни тинглайман муаммосини биргаликда ҳал этаман, керак бўлса уларга мослашаман.

– **Депутат сифатида сизни ўйлантирадиган қандай муаммо ва тўсиқлар бор?**

– Бугун халқ вакиллари бўлган депутатлар аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини мутлақо янги усулда амалга оширишмоқда. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, унинг фаровон ҳаёт кечирини таъминлаш, ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишмоқда. Аҳоли муаммоларини бартараф этишдаги саъй-ҳаракатларимизни биргина мақола орқали ифодалаш мушкул. Негаки, депутат ўз фаолияти давомида бир қатор муаммолар, хусусан, фуқаролар томонидан моддий ёрдам, бола пули, уй-жой, тиббиёт, ичимлик суви, уй-жой ҳужжатларини "Кадастр агентлиги"дан рўйхатдан ўтказиш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бизнес вакиллари дуч келаётган қийинчиликларни бартараф қилиш сингари кўплаб масалалар билан юзлашиб, уларни жойида ижобий ҳал этилишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, халқни рози қилиш йўлидан бориб, бор куч-ғайратимиз, тажрибамизни ишга солиб ҳаракат қилишимиз керак.

– **Депутатлик сўровига ҳамма раҳбарлар ҳам хайрихоҳми?**

– Депутатлар аҳоли мурожаатлари билан ишлашда мурожаатлар билан бевосита боғлиқлиги бор ташкилот раҳбарларига депутатлик сўровларини юборганларида, балки уларга ёқмаслиги мумкин, аммо бу депутатлик сўрови оддий бир фуқароларнинг муаммосини бартараф этиш учундир. Шундай экан, мутасадди раҳбарлардан бу борадаги ўз

вазифаларига масъулият билан сидқидилдан ёндошишларини сўраб қоламан.

– **Жорий йил бошидан буён ҳудудингизда депутат сифатида қандай ишларни амалга оширдигиз, йил охиригача яна қандай режаларингиз бор?**

– Ўз меҳнат фаолиятимни йил бошида белгиланган иш режа асосида амалга ошираман. Жорий йил бошидан буён ўз ҳудудимда депутат сифатида кўплаб депутатлик учрашувларини ташкил қилиб, фуқаролар муаммоларини тинглаб, муаммоларнинг асосий қисмини жойида ижобий ҳал қилишга эришдим. Бундан ташқари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 50 дан ортиқ депутатлари билан ҳамкорликда депутатлик сўровлари юбориб, фуқаролар муаммоларини ижобий ҳал этиб келмоқдамиз. Асосий режа бу аҳоли муаммоларини ижобий ҳал қилиш, яна бир бор таъкидлаб ўтаман, аҳолини рози қилиш йўлида бор куч-ғайратимни, тажрибамни ишга солиб ҳаракат қиламан.

Аслида режага кўплаб таклифлар киритганман. Ишончим комил йил давомида бу борада кўплаб ишларни амалга ошираман. Сайловчиларнинг ишончини оқлашга, мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиб, ижобий ҳал этилишида ёрдам бераман.

– **Сўнги сўз ўрнида айтмоқчи бўлганларингиз?**

– Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти аҳоли ва сайловчиларни ўйлантираётган, жамият олдида турган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш ҳар бир депутатнинг ўз олдида кўйган мақсадларидан бири бўлиши керак. Агар бирон муаммо бўлса, уни ўрганиб, таҳлил қилиб, ечимини қонунчилик ташаббуси тарзида таклиф киритиш депутатларнинг асосий вазифасига айланиши керак. Қонунларга ҳам бефарқ бўлмай муҳокама қилинаётган янги қонун лойиҳаларига ўз таклифларини бериш, ўзи сайланган партия манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда фаолияти юзасидан кенг жамоатчиликка маълумот бериш ҳар қандай вазиятда фаол иштирок этиш керак. Албатта, бу депутатнинг сайловчилар орасида рейтингини шаклланишида ёрдам беради.

Шоҳида АБЗАЛОВА суҳбатлашди



КАНДАЙ КЎШИК ЭШИТАЯПМИЗ?

Муסיқа инсоннинг шодлигига шерик, қайғусига малҳам. Кўшиқ муסיқанинг энг оммалашган жанрларидан. Тингловчини диди, савиясини унинг эшитаётган кўшигидан англаб олиш мумкин. Ўзбек анъанавий ижрочилигидаги кўшиқлар ўзининг чуқур маъноси, матни ва ва профессионал ижроси билан ўзига хосдир. Масалан, Ботир Зокиров ижросидаги илк ўзбек эстрада намуналари ҳам бир неча жиҳатлари билан анъанавий кўшиқчиликка яқин эди.

Ўтган асрнинг 90 йиллари ва 2000 йиллар бошида ўзбек эстрада кўшиқчилиги санъати вакиллари сермахсул ижод қилишди. Уларнинг орасида ҳам худди бугунгидек пичоққа илинадиган, алоҳида эътироф этиладигани ва умуман талабга жавоб бермайдиганлари бор эди. Лекин профессионаллар томонидан ижро қилинган кўшиқлар орадан йиллар ўтсада яшаб келаётганини тан олиш керак. Бунинг асл сабаби сифатида бир неча омилларни келтириш мумкин. Биринчидан, маъно-мазмунга эга бўлмаган кўшиқларни кенг кўламда тарқатиш имкони йўқ эди. Қолаверса, телерадиоканаллар кам сонли бўлиб ҳамisha савия билан ҳисоблашар эди. Яна бир энг муҳим жиҳати, устоз кўрган ижрочилар мантиқсиз кўшиқлар куйлашни ўзига эп кўришмаган. Шу ўринда Бадий кенгаш аъзолари ўз касбининг усталаридан ташкил топгани ва ҳар қандай кўшиқни эфирга тавсия қилавермаслигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Хўш бугунчи, эстрадамиз шу даврга қадар ривожландими ёки аксинча?

Бугунги кун ижрочиларининг аксарияти матнга эътиборсизлиги, қофия ва мантиқ тушунчалари билан ҳисоблашмаслиги, тўй, оммавий маросимларда менталитетимизга зид бўлган либосларда кўшиқ куйлаши, кўпроқ тўйбоп кўшиқлар яратишда пешқадамлиги, жонли ижрога нисбатан тўғри ёндошувнинг “чўлоқлиги” афсуски ҳақиқат. Бу ҳолат бир неча йиллар давом этди ва бугунга келиб улар кўпчилик тингловчиларнинг меъдасига ҳам тега бошлади. Шу боисдан ўз маъно ва мазмунига эга кўшиқларни жонли ижрода куйлаётган ҳар қандай одам тез танилиб, қадрланмоқда. Мисол учун, Шохруҳбек Эргашев, Жалолитдин Аҳмадалиевлар (бошқаларга нисбатан айтилганда) айни муаммо кучайган пайтда ўзларининг сермазмун кўшиқлари ва жонли ижролари билан халқ орасига кириб келди ва тезда ўз мухлисларига эга бўлди.

Бугун видеоклиплар юқори сифатда, энг замонавий техникалар ёрдамида, машҳур вайнерлар иштирокида суратга олинмоқда. Шу боис ҳам кўшиқ матни видеоклип олдида иккинчи даражага тушиб қолаётгандек ва сўзга деярли эътибор берилмаяпти. Бундан ташқари, клипларнинг кўпчилиги муайян сюжетга асосланмаган бўлиб, кўшиқчи ёки рақосаларнинг рақсига асосий эътибор қаратилади. Айрим видеоклиплар эса ретро ёки қимматбаҳо машиналар ёки ноодатий либослар кўрғазмасига айланиб қолаётгандек туюлмоқда.

Шу ўринда, “Бугун қандай кўшиқ эшитяп-миз?” деган саволни ўртага ташламоқчимиз ва айрим кўшиқларни таҳлил қилмоқчимиз.

Ҳамдам Собиров, Муҳаммадзиё, Имрон, Юлдуз Усмонова, Озода Нурсаидова, Жалолитдин Аҳмадалиев каби яна бир неча хонандаларнинг видеоклиплари YouTube тармоғида энг томошабоп ҳисобланади.

Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам юқори савияда эмас. Жумладан, Ҳамдам Собировнинг “Жанзе” кўшиғи “Ариқларда лойқа сувлар оқар эди”, “Менга ўша, ўша Жанзе ёқар эди” ўтган замондаги гап билан бошланади ва севгисини хотирлаётгандек туюлади. Бошқа бир қаторда эса “Рашк қиламан, рашк қиламан-да” дея ҳозирги замонда гап боради. Бундан ташқари, “Кўнглим тўлар сочинг толасидан”, “Пешонамда синдур йиғлар” каби жумлалар ҳам мантиқдан йироқдек. “Айбинг сени онанг чиройли туққан” жумласи муаллифи аслида кимлиги эса кўпчиликка аён. Тўғри, бу жумлалар мутлақо маъно мантиққа эга бўлмаган кўшиқлар олдида катта муаммо эмас. Қофия ва мантиқдан йироқ кўшиқлар сони етарли. Насафий таҳаллуси билан ижод қилувчи “кўшиқчи” ўзининг сарғиш сочлари билан куйлаган баъзи кўшиқлари матнини қоғозга тушириш хижолатли. Матндаги сўзларни айримларини шифокор беморга, айримларини бир бемаъни одам бошқа бир бемаънига тавсия қилиши керак аслида. Афсуски, бу кўшиқнинг ҳам тингловчилари топилмоқда.

“Рэп” деганда кўпчилик тингловчилар хаёлида тугуруқсиз бемаъни кўшиқ шаклланишига ҳисса қўшаётганлар ҳам бор. Бироқ, ушбу жанрда ижод қилаётган Конста ўзининг сермазмун кўшиқлари билан тезда эътиборга тушди ва охириги бир йил давомида энг кўп тингланаётган ўзбек рэпперларидан биридир. Унинг ижтимоий муаммолар, тарбиявий ва мотивацион мазмундаги кўшиқлари жуда кўпчилик тингловчиларга манзур келмоқда. Жумладан, ўз орзуларидан воз кечмаслик, одамларнинг гап-сўзларига қараб иш қилмаслик, савиясиз сериал ва шоулар, шаҳарнинг ёмонлашиб бораётган экологияси, инсоннинг тўймас нафси, исрофгарчилик ва қарз эвазига ўтказиладиган тўйлар, таълим тизими, таъмирталаб кўчалар каби ижтимоий муаммолар ҳақида сўз борадиган кўшиқлари илиқ кутиб олинган ва унинг тингловчилари ҳам ушбу муаммоларга бефарқ бўлмаган ижтимоий фаол одамлардир.

Ҳа, бугун бир пайтлар ўлмас кўшиқлар яратган хонандалар ҳам мантиқсиз кўшиқлар куйламоқда. Бир томонда “тожикча гапирвотти” деган садолар, бир томонда “лиил лиил” деб куйлаётган Озода Нурсаидованинг садолари.

Бундан ташқари, Инстаграм каби ижтимоий тармоқларда бирор қизиқарли видео учун фойдаланилган ёки бирор вайнер томонидан куйланган кўшиқлар ҳам жуда тез оммалашмоқда. Ҳайратки, бундай кўшиқлар уч-тўрт ой давомида унутилиб кетади. Аммо ижтимоий тармоқларда танилган вайнерларнинг кўшиқ куйлаб чиқаётгани ачинарли. Уларни кўшиқ эмас номаълум сюжетли, ғояга ва жанрга эга бўлмаган қисқа метражли муסיқий фильм дейиш ҳам мумкин. Ушбу йўлдан кетаётган кўпчилик вайнерларнинг кўшиқлари на мантиққа на чиройли ижрога таянган. Аммо, уларни қадрлайдиган тингловчилар ҳам кўп. Юқоридаги омиллар тингловчи савияси тушганидан даракми ёки кўшиқчи?

Шу ва шу каби саволларга устоз санъаткор Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов ҳамда устазода хонанда Азиз Ражабийдан жавобни олишга ҳаракат қилдик.



Азиз РАЖАБИЙ,
хонанда:

– “Омон бўлинг” номли кўшигингиз эстрадамизда янглик бўлди. Кўшиқ матни муаллифи ким?

– Кўшиқ халқ озаки ижоди намуналаридан бири ҳисобланади. Сўзи ҳам муסיқаси ҳам халқники. Аниқ муаллифи кимлигини деярли ҳеч ким билмайди. Ҳатто дадам ҳам ёшлик пайтларида бу кўшиқни эшитган эканлар. Улардан олдин ўтган одамлар ҳам бу кўшиқни куйлаб юришган. Кўшиқ сўзлари жуда беғубор, севги изҳорлари ҳам тўғридан-тўғри “мен сени севаман” деб айтилмаган. Сўзларида уятчанлик ва маданият жамланган, ҳазил мutoйибаси ҳам жозибали кўшиқлардан бири. Ана шу кўшиқни сайқаллаб замонавийлаштиришга ҳаракат қилдик ва клип суратга олдик.

– Ҳозир одатий ҳолга айланаётган кўшиқ матнига эътибор берилмаслигига қандай муносабатдасиз?

– Тўғри, бироқ Навоий, Чустий яқин ўтмишда ижод қилган Чўлпон каби шоирларнинг шеър ва ғазалларини отабоболаримиз ўқиб мағзини чақа олган. Ҳозир классика у ёқда турсин, оддий шеърларни ҳам ўқиб тушуна олмаяпмиз. Бадий асар, шеърлар ўқимагандан кейин қандай қилиб кўшиқни маъносини тушуниш мумкин. Айтмоқчи бўлганим тингловчи тушунмаган сари, у тушунадиган тилда куйланмоқда. Натижада “қале”, “чотки” каби кўча сўзларидан иборат кўшиқларни ҳам эшитиб қоляпмиз. Бу муаммо илдизи жуда чуқур аниқ бир таклифни айтиш қийин.

– Интервьюларингиздан бирида Юнус Ражабийнинг катта илмий мероси бор, лекин кам ўрганилади, деган экансиз. Балки шундан бошлаш керакдир?

– Албатта, кимдир қачондир бошлаши керак. Ватанпарвар устоз мураббийлар чиқиши керак. Ватанпарвар бўлиш учун шу соҳадан топаётган даромадингиз етарли бўлиши керак. Чунки инсон биринчи бўлиб, фарзандларини, оиласини ўйлайди ва бу ҳаётнинг бузилмас қонунларидан бири. Нима учун Японияда ўқитувчиларнинг ҳурмати катта, чунки улар яхши таълим беришади ва энг юқори маош оладиган касб эгаларидан бири ҳисобланади. Бу муаммонинг бир тарафи, бу каби муаммолар жуда кўп ва фақатгина санъаткорга боғлиқ нарса эмас. Тўй-ҳашамларда оғирроқ кўшиқни эшитадиганлар кам. Замонавий кўшиқларни талаб қилишади, тўй эгасининг рақсга тушгиси, ўйнагиси келади.



Азим МУЛЛАХОНОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

– Ўзбек кўшиқчилиги санъати пайдо бўлгандан то 2000 йилларга қадар яратилган кўшиқлар маъно ва мантиққа эгадек. Ҳозир эса кўшиқ матни ва мазмунига деярли эътибор берилмаётгандек. Буни нима билан изоҳлай оласиз?

– Бу мени анчадан бери қийнаётган муаммо. ОАВ энди ўзига келяпти (жилмайиб). Сизга спектаклдан мисол қилиб айтадиган бўлсам “Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун” ёки ўзбек театр санъати дурдоналаридан бири Фулом Зафарийнинг “Ҳалима” асарини тушуниш учун савия керак. Савиясиз одам спектаклни охиригача томоша қилолмайди. Унинг мағзини қақиш, актёр ижроси, кўшиқ сифати, асар драматургиясини таҳлил қила олиш учун билим керак. Айтмоқчи бўлганим савияли одам енгил нарсаларга учиб кетмайди. Юртбошимиз нега ёшларни китоб ўқишга, чолғуга чорлаяпти. Боиси, илми бор етти нотани билган, оҳангни англаган одам албатта савияли нарсани талаб қилади. Баъзи негативчилар бу қарорни эшитиб артистлар кўпаяр эканда, дейиши мумкин. Йўқ кўпаймайди, чунки, ҳар ким ҳам бу касбни эгаллай олмайди. Худди курашчининг билаги курашиш учун бақувват бўлгани каби кўшиқчининг ҳам овоз толалари кўшиқ куйлаш учун мосланган бўлади.

– Савияни ошириш учун нима қилиш керак?

– Мен халқимизни савиясиз демоқчи эмасман. Шунчаки юқорида айтган хислатларга эга бўлиш керак. Агар тингловчининг ўзида бу нарсалар бўлмаса кўшиқчи ҳам савиясиз нарсани улашаверади ва даража тушиб кетаверади. Бунинг учун китоб ўқиш, чолғудан хабардор бўлиши, мактаб ва боғчаларда адабиёт ва мусиқага бўлган эътиборни кучайтириш, болаларни ўз мусиқамиз билан тарбиялашимиз, ўзлгимизга ундашимиз зарур. Эстарадада ҳам миллийлик сезилиб турсин. Зеро, санъат деганда болалар аввало ўзбек санъатини тушунишсин. Одам мусиқани таҳлил қилолса, яхшини ёмондан ажрата олса савияли нарсани талаб қилади. Бироқ, бугун бачканавозлик қилиб кўшиқ куйлаётганлар юқорига чиқиб қолмоқда.

– Шеър танлаётганда қайси жиҳатларига эътибор қаратасиз?

– Аввало маъно ва мазмунга қарайман ва яна бир асосий жиҳат шеърни кўрганда юракдан ўша шеърни кўшиқ қилиш истаги пайдо бўлиши керак. Унга оҳанг топишни ҳам билиш лозим. Ёмон шеър йўқ аслида, шунчаки, яхши оҳанг топа билиш керак. Шеърга мос оҳанг топа олганим боис кўплаб шеърлар кўшиқ қилинмай қолган. Қисқа қилиб айтганда иккиси узукка кўз қўйгандек мос тушиши лозим.

– Ноодатий менталитетимизга мос келмайдиган либосларда кўшиқ куйлаётганларга қандай муносабатдасиз?

– Кўчада кимдир ярим-яланғоч югурса, бу ҳам бир тарғибот. Кимдир шу ҳолатда кўшиқ куйласа бу ҳам тарғибот, бироқ, инсон кўрган нарсасига эргашиб кетавериши керак эмас. Менга кўйиб беришганда ўзбекона камтарлик ва миллийликни йўқотмасликка ҳаракат қилардим. Бизнинг миллатимизга андиша, тортинчоқлик каби хислатлар жуда яқин. Кўшиқ куйлаётганда ҳам шу жиҳатларга, келиб чиқиши, урф-одатига эътибор бериш лозим. Кимдир йиртиқ шим кийса ёки бошига узун матони катта қилиб ўраб олса, у ҳам шунга тақлид қилиши керак эмас.

– Шундайларга рухсат бераётган Бадий кенгаш аъзоларига нима дея оласиз?

– Мен Бадий кенгашда ишлаганман ва юқорида айтган жиҳатларга амал қилишга ҳаракат қилганман. Бироқ, кўпчилик кўшиқчилар ижод эркинлиги дейишди ва кенгашдагилар бунга тайинли жавоб топиша олмасди. Мен айтган бўлардимки, ижод эркинлиги ижод учун бўлсин, бачканавозлик учун эмас. Албатта, хушчақчақлик керак, мен доим ғамгин кўшиқлар эшитишсин демайман. Дид ва моҳирлик билан ижро қилинган ҳар бир нарсаси аслида санъат, фақатгина ана шу нарсаси бачканавозликка айланиб қолмаслиги лозим. Шунчаки, ҳар нарсасида чегара ва меъёр бўлсин!

Миржалол МАҲКАМОВ
тайёрлади

Global Jamg'armaning «O'zbekiston Respublikasida aholining zaif guruhlariga alohida e'tibor qaratgan holda, 90-90-90 va STOP-TB maqsadlariga erishish borasidagi faoliyatni kuchaytirish» (UZB-C-RAC #2501) DASTURI

O'zbekiston Respublikasida OITS va silga qarshi kurashish borasida chora-tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha xizmat ko'rsatish uchun SO'ROVNOMA

Umumiy ma'lumot:

Global Jamg'arma Boshqaruvi qaroriga muvofiq, O'zbekiston Respublikasiga 2025-2027-yillarda «O'zbekiston Respublikasida aholining zaif guruhlariga alohida e'tibor qaratgan holda, 90-90-90 va STOP-TB maqsadlariga erishish borasidagi faoliyatni kuchaytirish» dasturining chora-tadbirlarini amalga oshirishni davom ettirish uchun texnik ko'mak mablag'larini olish imkoniyati taqdim etilgan.

OITS va silga qarshi kurashish borasida chora-tadbirlarni amalga oshirishni davom ettirishdan maqsad aholi o'rtasida OIV/OITS va sil kasalligi tarqalishining oldini olish, OIV/OITS va sil kasalligining aholining xavfli guruhlariga ta'sirini kamaytirish hamda ushbu sohalarida profilaktika, davolash, parvarish qilish va qo'llab-quvvatlash xizmatlariga kirish imkoniyatini ta'minlash hisoblanadi.

Respublika OITSga qarshi kurash markazi shuni ma'lum qiladiki, moliyalashtirish muddati 2025-yil 1-yanvardan 2027-yil 31-dekabr gacha bo'lgan davrda Global Jamg'armaning texnik ko'mak mablag'larini olish uchun OITS va sil komponentlari bo'yicha arizani ishlab chiqish jarayoni boshlandi. Shu munosabat bilan,

Respublika OITSga qarshi kurash markazi manfaatdor tashkilotlardan, shu jumladan, davlat sektori va fuqarolik jamiyatlaridan, 2023-yilning 30-noyabriga qadar tegishli Qiziqish bildirish xatlarini topshirish va tasdiqlovchi hujjatlarni muvofiqlashtiruvchi ishchi guruhi ko'rib chiqishi uchun taqdim qilishingizni so'raydi.

Qiziqish bildirish xatlari rus yoki o'zbek tillarida quyidagi manzil bo'yicha qabul qilinadi:

100135, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Farhod ko'chasi, 12-uy, 4-qavat.

Qiziqish bildirish xatlari 2023-yil 30-noyabr soat 18.00 gacha qabul qilinadi.

Kelib tushgan Qiziqish bildirish xatlari O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo'mitasi qaroriga muvofiq tashkil etilgan muvofiqlashtiruvchi ishchi guruhi tomonidan ko'rib chiqiladi.

Sub-grant olish va/yoki Global Jamg'armaning texnik ko'mak mablag'larini olish uchun ariza ishlab chiqishda ishtirok etish bilan bog'liq bo'lgan qo'shimcha ma'lumotni quyidagi manzildan olish mumkin:

100135, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Farhod ko'chasi, 12-uy, 4-qavat.

UZB-C-RAC #2501 dasturi. Telefon: (+998 97) 444 67 97 / (+998 97) 344 84 94

E-mail: mamurjon.jumaboev@gfaids.uz / ismoil.jafarov@gfaids.uz

va/yoki Global Jamg'armaning sayti:

<https://www.theglobalfund.org/>

ТАҚДИР

Инсон тақдирида қандай битиклар ёзилганини Яратгандан ўзгасибилмайди. Ҳаётнинг кутилмаган зарбалари ёнида баъзан ожиз бўлиб қоларкансан киши. Ўзингда куч топишга уринаркансан-у, аммо иродасизлик панд бераркан.

Умр йўлдошим билан ҳавас қилгудек ҳаёт кечириётгандик. Гарчи, совчилар орқали танишган эсақда, аммо у киши мени ер-у кўкка ишонмайдиган даражада суярди. Ёримнинг покиза муҳаббатини, менга бўлган ишончини ҳаммиша ҳис қилиб яшардим. Гарчи севишганлар каби ишқ боғини бирга сайр қилмаган бўлсак-да, аммо оила аталмиш муқаддас даргоҳни шу инсон билан барпо қилганим учун севишардим. Мени эркалаб “Моҳим” дейиши эса юрагимни ўзгача тўлқинлантириб, ажиб ҳислар уйғотарди. “Ҳақиқий муҳаббат тўйдан кейин пайдо бўлади”, деганлари рост экан. Бу нақл бизнинг ҳаётимизда яққол акс этганди.

Яратган бизни кетма-кет икки ўғил билан сийлади. Бир қувончимиз ўн бўлди. Шуҳрат акамнинг иши бошқа шахарга ўтгач, қайнона-қайнотамдан бўлак бўлиб кўчиб кетдик. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси гўзал эди. Аммо...

Бир куни умр йўлдошим билан ҳамкасбининг тўйига бордик. Уйга қайтарканмиз, эримнинг яхшигина кайфи борлигини пайқадим.

– Шуҳрат ака, балки таксида кетармиз. Машина қолаверса, эртага олиб кетарсиз, – дедим негадир ичимга қандайдир хавотир ўрмалаб.

– Йўқ, нега энди. Ҳайдай оламан. Озроқ кўпайиб кетдида, Моҳим, – деганча машинани ўт олдириди.

“Худойим, эсон-омон етиб олайлиқда”, деб шивирладим ўзимга-ўзим. Аммо баъзан инсон кўнгли содир бўладиган фалокатни олдиндан сезиши ҳам мумкин экан. Мен ҳам сезган эканман, лекин... Йўлда келаётган автоҳалокатга учрадик. Машинамизнинг бошқа автомобилга урилаётганини кўрдиму, хушимни йўқотдим. Кўзимни очганимда атрофимда ҳеч ким йўқ эди. Хона деворларидан касалхонада эканлигимни билдим. Аъзои баданим қақшаб оғирди.

– Ойи, – дедим аранг инграб. Менинг овозимни эшитган ҳамшира шифокорни бошлаб келди.

– Синглим, ўзингизга келдингизми? – деди у менинг юрак уришимни текшираркан.

– Нима бўлди? – базўр савол бердим.

– Автоҳалокатга учрабсизлар... Бўлди, ўтиб кетди. Энди яхши бўлиб кетасиз, – деди кулимсираб оқ халатдаги оқсоч киши.

– Шуҳрат акам-чи?

– Эрингиз яхши. Соғ-омон. Фақат сиз қаттиқ шикастланибсиз. – Гапиришга мажолим йўқ эди. Эримнинг яхшилигини эшитиб, аста кўзимни юмдим.

Хушим ўзимга келганида эса... Мудҳиш хабардан титраб тушдим. Оёқларим ўзимга бўйсунмасди.

– Оёқдаги асаб толалари қаттиқ шикастлангани учун ишламаяпти. Агар яхши парвариш бўлса, балки юриб кетарсиз, – деди шифокор менга умид бериш мақсадида.

Бироқ юриб турган одамнинг бирдан тўшакка михланиб қолиши худди саратонда қор ёққандек ҳолатга ўхшарди. Тасавурига сиғдирилмасдим. Ўзимча “Бўлиши мумкин эмас”, дея жон ҳолатда оёқларимни қимирлатишга уринарди. Лекин улар менга бўйсунмасди. Ҳатто бармоғимни ҳам ишлатишга ожиз эдим. Ётган жойимда:

– Нега, нима учун? – деб қичқираёздим.

– Моҳим, бўлди, – деб мени овутишга чоғланди Шуҳрат акам.

– Сиз, сиз сабаб бўлдингиз! Мен айтгандим. Таксида кетайлик, дегандим... – ўша кезде хаёлимга келган сўзни қайтармасдим. Бу гаплар эримнинг юрагига наштардек ботишини ўйламасдим ҳам. Жон

азобида нима деяётганимни ҳам билмасдим. Шуҳрат акам йиғлаган кўйи:

– Мени кечир, мени кечир, – дейишдан тўхтамасди. Анчагача ўзимга келолмадим.

– Боринг, кўзимга кўринманг ноинсоф. Оёқсиз бўлгандан кўра ўлганим яхшимасмиди... Эй, Худо бу қандай жазо, ахир... – кўз ёшларим юзимни юварди. Шу тобда эшик очилиб, хонага онам кириб келди.

– Моҳира, қизим, – деб мени бағрига босди.

– Ойи, ойижон, мен юролмай қолдим, ойи... – ўкириб йиғлаб юбордим. Ойим эримга қараб: “чиқиб кетинг”, дегандек ишора қилди. Шуҳрат акам бир менга, бир унга қаради-да, индамай хонадан чиқди. Ўзимни онамнинг бағрига ташлаган кўйи ўксиб-ўксиб йиғладим.

– Ойи, ўттизга ҳам кирганим йўқ ҳали. Қанча орзуларим бор эди. Бир умр ногирон бўлиб қоламанми- а, ойи, бу нимаси ахир... – менинг ўртанаётганимни кўриб, онамнинг ҳам юрак-бағри эзилиб кетди.

– Жонқизим, кўргулик экан. Пешонамга ёзилганда. Бўлди бас, эрингни айблаверма. У бечора ҳам шундай бўлсин деганман-ку. Атай қилмаган-ку...

– Йўқ, мен у кишига айтдим. Таксида кетайлик, – дедим. Юрагим сезганди, ойи...

– Бўлди қил. Шуҳратжоннинг ўзи ҳам тамом бўлди. Унга ҳам осон тутма, болам. Бу ёқда сен, у ёқда иккита боланг... Ҳадеб сиз айбдорсиз, деб юрагига тикан қадайверма. Бўлар иш бўлди. Бу ёғи Худодан. Салгина сабрли бўл, болам. Аллоҳ ўзи берган дардга шифосини ҳам беради, албатта. Умидингни сўндирма, – деди онам.

Яқинларим мени овутиш сари асабларим таранглашиб бораварди. Ўзимни назоратда тутолмай қолгандим. Менинг бу кўйга тушишимга фақат ва фақат эрим айбдор эди. Агар ўша куни машина ҳайдамаганида эди... уни кўргим келмасди. Палатага кириши ҳамон оқ урушиб ташлардим. “Кетинг, сизни ёмон кўраман”, деб ёзгирардим. Кўргани келганлар “Сабрли бўл”, дейишдан нарига ўтишмасди. Албатта, касалнинг қандайлигини билиш учун инсон ўзи дардманд бўлиши керак, ахир. Улар қалбим чекаётган аламни, танамдаги дардни ўндан бирини ҳам тушунишмасди. Ахир, уларнинг оёғи соппа-соғу!

Орадан бир неча кун ўтиб уйга қайтдик. Қаршилигимга қарамай умр йўлдошим мени учинчи қаватга кўлида қўтариб қикди. Назаримда, у бу иши билан айбини ювмоқчи эди. Кўнглимдаги нафрат ўти ҳамон гуркираб ёнарди. Хаёлимда бир фикр қотиб қолганди: “Ҳаммасига у айбдор!”. Ёнимга югуртилаб чиққан қоракўзларимни кўриб, яна йиғлаб юбордим.

“Нуридийдаларим, энди нима бўлади?” ичимдан келаётган фарёдни аранг ютдим. Кўзларимдан думалаган ёш юзимга сирғалиб тушди.

– Ойижон, албатта яхши бўлиб кетасиз. Мен ўзим сизга қарайман, – деди 8 ёшли кичик ўғлим меҳр билан. Ё, Аллоҳим, мен уларга қараш ўрнига энди улар менга ғамхўрлик қилишадими?

Менинг чекимга тушган бу қисматни ҳеч бир қалам билан ифодалай олмайман. Нечоғлик азобланганимни ёзишга сўз тополмайман.

Тақдирга тан бериб яшашдан ўзга иложим йўқ эди. Умр йўлдошим тонгда ҳаммадан илгари туриб нонушта тайёрлар, болаларни кийинтириб, мактабга жўнатарди. Сўнг менинг ёнимга нонушта олиб кирар, “Мен ишдан хабар олиб келаман. Сен зерикмай ўтиринг”, деганча чиқиб кетарди. Ёлғиз қолишим эса мени баттар азобларди. Дод солгим, нарсаларни улоқтиргим келарди. Тушликка келиб, яна мени овқатлантирар, сўнг идишларни ювиб, яна чиқиб кетарди. Шомдан кейин ҳам шу аҳвол такрорланарди.

Аёл бўлиб эркакнинг ишларини кузатиб ётишдан ҳам оғир бўлмас экан. Ҳаётимиздан илгариги шодлик, қувонч, файз кетгандек эди, гўё. Эрим билан ҳам гаплашгим келмасди. Шифтга тикилган кўйи, тушкунлик гирдобига чўкиб борардим. Шуҳрат акам бирор нарса сўраса, жавоб бермасдим. Гоҳида алашимдан бақирардим ҳам. Гоҳи, йиғлаб-йиғлаб гапириб олардим. Суҳбатларимиз ҳам “Ҳа, йўқ”дан иборат бўлиб қолганди. Ҳафтада икки марта онам келиб, ҳолимдан хабар олиб кетар, йиғилиб қолган кирларни ювар, оғзимга ёқадиған таомни қилиб берарди.

– Она, мен сизни парваришлар ўрнига сиз яна менга меҳрибонлик қиляпсиз-а, – дедим бир куни ўпкам тўлиб.

– Қизим, бўлди қил. Қайғуга ботиб яшашдан нима наф? Эринга қара, болаларинга қара, сенга мўлтираб туришибди. Кулсанг кулишяпти, йиғласанг сендан баттар азоб тортишяпти. Нега уларни ҳам дардинга шерик қиляпсан? Аксинча улар билан ўйнаб, кул. Ҳаётда оёқсиз яшаётганлар сон мингта. Аммо уларнинг ёнида қувонч берадиган инсонлари йўқ. Шукри, сенинг ёнингда яқинларинг бор. Эринг ташлаб кетганида нима қилардинг? Бу шунчаки фалокат, «оёқсиз аёл керакмас», деганида нима қилардинг? У ундай қилмади. Сенинг барча инжиқликларинга сабр билан яшяпти. Унга ҳам осонми? Йўқ, ҳаммадан кўра кўпроқ азобланаётган аслида кўевим бўлади. Бир томондан болаларинг, иккинчи томондан сен, учинчи тарафда ўзи... Мен сенга Аюб пайғамбарнинг қиссасини айтиб бергандим-ку. Баданлари қуртлаб кетса ҳам сабр билан яшадилар. Ва натижада сабрга яраша Аллоҳ унга яна соғлигини, бойлигини қайтарди. Сен ҳам сабрли бўл, энди. Ҳа-я, Шуҳратжон айтганди. Эртага аравача олиб келишаркан. У ёқ-бу ёққа чиқишимга яхши. Бир жойда ётгандан кўра, ўзинг хоналарни айланиб юрасан.

– Ногиронлар аравашида ўтираманми? Йўқ, ундан кўра ётганим дуруст.

– Қизим, сен ногирон эмассан, соғломсан. Фақат оёқларинг сенга бўйсунмаяпти. Ҳадеб ётиш яхши эмас. Бошқа иложинг ҳам йўқ.

Онам мени аравачада ўтиришга аранг кўндирди. Хаёлимни даҳшатли ўйлар ўраб олган эса-да, аммо мен улардан қутулишга ҳаракат қилишим кераклигини тушуниб етдим. Волидамнинг гапларидан сўнг эримни нечоғлик қийнаб қўйганимни англадим. Чиндан ҳам кўзим кўряпти, қулоғим эшитяпти, кўлларим ишляптику, деб ўзимни иш билан овутишга бўлдим.

Ҳеч қанча ўтмай умр йўлдошим менга қараш учун бир аёлни ёллади. Ночор оилада вояга етган, эри ўлиб учта боласи билан бева қолган Нодира опа жуда чаққон, шу билан бирга ширинсухан аёл эди. Унинг аянчли қисмати ҳаётга бўлган қарашларимни ўзгартириб юборди. Унинг қалбидаги дард олдида меники денгиздан томчи экан, холос. Юрагида бир дунё фарёди бўлса-да, у оламга кулиб қарарди. Нодира опа мени зериктирмасди. Биргаликда юмушларни бажарардик. У мени тўқувчиликка қизиқтирди. Болаларим ва бошқа яқинларимнинг фарзандлари учун бош кийимлар, пайпоқлар тўқий бошладим. Ҳаётимизга қайтадан файз кирди.

Бу орада Шуҳрат акам мени турли муолажаларга олиб борди. Вақт ўтиб шикастланган асаб толалари тузала бошлади. Мен оёққа турдим. Бугун ҳассада бўлса ҳам юра оламан. Яқинларим билан бирга кўчаларни сайр қиламан. Бу кунга етишим учун фақат ва фақат ёримнинг муҳаббати ва улкан сабри ёрдам берганини биламан.

Саида ҚОРАБОЕВА

